

Элёр АЛИМКУЛОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторантиУЧ ХИЛ УНСУРДАН ИБОРАТ
“БУТУНЛИК” РАМЗИО СИМВОЛЕ “ЦЕЛОСТНОСТИ”,
СОСТОЯЩЕГО ИЗ ТРЕХ
ЭЛЕМЕНТОВON THE SYMBOL OF «PEACE»
CONSISTING OF THREE
ELEMENTS

Аннотация. Мазкур мақолада рус ёзувчиси, сайёҳи, археологи, шарқшуноси, рассоми, давлат ва жамоат арбоби ҳамда Россия Бадий академиясининг академиги Николай Константинович Рерих ва унинг Ўзбекистон ҳудудида олиб борган илмий изланишлари тўғрисида маълумотлар ёритилган. Жумладан, қадимги Афросиёбдаги шаҳарнинг гарбий қисмига оид турли йиллардаги қазилмалардан топилган панеллардаги рамзлар, Сомонийлар саройи залидаги ҳалқали ўйма ганч, Дониёл пайгамбар мақбарасида уч унсурдан иборат белги, Темурийлар тарихи давлат музейи пештоқидаги символ ҳамда Тупроққалъа (Хоразм) нақшининг хандасавий тадқиқоти хусусидан сўз юритилган.

Таянч сўзлар: Н.К.Рерих, Уч унсурдан иборат рамз, Афросиёб, Сомонийлар саройи, “ҳалқали панеллар”, Самарқанд шаҳри герби, “Аёзқалъа”, “Қирққиз”, “Бургунқалъа”, “Девқалъа”, “Тешиққалъа”, “Тупроққалъа”, ислимий, гириҳ.

Аннотация. Эта статья содержит информацию о русском писателе, путешественнике, археологе, востоковеде, художнике, государственном и общественном деятеле, академике Российской академии художеств Николай Константиновиче Рерихе и его научных исследованиях, проведенных на территории Узбекистана. В статье, в частности, речь идет о панелях, найденных при раскопках в западной части древнего города Афрасиаб, о ганче с кольцевой резьбой в зале дворца Саманидов, о трехэлементном знаке в мавзолее пророка Даниила, о символе на фасаде Государственного музея истории Тимуридов, а также о хандасовом исследовании узора Туруккалы (Хорезм).

Ключевые слова. Н.К.Рерих, трехэлементный символ, Афрасиаб, дворец Саманидов,

“кольцеобразные панели”, символ города Самарканда, “Аязкала”, “Қирққиз”, “Бургунқала”, “Девқала”, “Тешиққала”, “Тупроққала”, ислимий, гириҳ.

Annotation. This article contains information about the Russian writer, traveler, archeologist, orientalist, artist, statesman and public figure and academic of the Russian Academy of Arts Nikolai Konstantinovich Roerich and his scientific research in Uzbekistan. In particular, the symbols on the panels found in excavations of different years in the western part of the ancient city of Afrosiyab, the ring carved ganch in the hall of the Samanid palace, the three-element sign on the tomb of the prophet Daniel, the symbol on the roof of the State Museum of Timurid history and Khorezm.

Keywords: N.K. Roerich, three-element symbol, Afrosiyab, Samanid palace, “ring panels”, coat of arms of Samarkand, “Ayoqzqala”, “Kyrqgiz”, “Burgunqala”, “Devqal’a”, “Teshikqal’a”, “Tiroqqal’a”, Islimiy, girih.

КИРИШ


Таниқли рус ёзувчиси, сайёҳи, археологи, шарқшуноси, рассоми, давлат ва жамоат арбоби ҳамда Россия Бадий академиясининг академиги Николай Константинович Рерих 1874 йилда Санкт-Петербург шаҳрида туғилиб, мазкур йўналишларда илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борган ҳамда 1947 йил Ҳиндистоннинг Ҳимочал-Прадеш штатида 73 ёшида вафот этган. Тадқиқотчи ўз фаолияти давомида кўплаб қадимий шаҳарларга саёҳатлар қилган. Ўз илмий асарларида Н.К.Рерих кўп маъноли ишоралар қолдирган бўлиб, уларга диққатимизни қаратарканмиз, кўплаб воқеа ва ҳодисаларнинг маъносини янгидан ва чуқурроқ англай бошлаймиз. Жумладан, Рерих Николай Константинович турли халқлар ва маданиятлар ўртасида уч хил унсурдан иборат бутунлик белгисига ҳам тўхталиб ўтган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта Осиё маданияти тарихи ва санъати тараққиёти меъморчилик, мусиқа, адабиётнинг ноёб ёдгорликларини ўзида сақлаб келади. Қолаверса, кўхна маҳаллий анъаналарга асосланган меъморчилик тожиклар, ўзбеклар, козоқлар, қирғизлар ва туркманлар ҳаёти ва турмуш тарзининг ўзига хос ғазилатларини ўз ичига олган миллий хусусиятларида ҳам ҳатто

уларни бирлаштирувчи муштарак аломатларни илғаш мумкин.

Замонамизгача сақланиб қолган ёдгорликлар даврларнинг ғоялари ва нафаси, бинолар безак орнаментлари гўзаллиги, асл усталарнинг уйғунлик ва гўзалликка бўлган интилишини етказиб беради. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Термизнинг маданият дурдоналари ва қуввати, халқлар маданий меросининг асосини сақлаб қолган шаҳарлар сирасидан ҳисобланади. Бу шаҳарларнинг ҳар бири ўз навбатида давлат маркази бўлган ва ҳукмдорлар улкан ҳудудлардан энг асл уста меъморларни жалб қилган.




1-расм. Афросиёб шаҳри лойиҳа-режаси (кўҳна Самарқанд).

Сомонийлар даври (IX-X асрлар) буюк тафаккур соҳиблари бўлмиш Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Хоразмийларни дунёга келтирди. Сомонийлар даврида фан, дин, адабиёт ва санъат тараккий этди, истеъдодли меъморлар меъморчилик иншоотларини яратдилар, улардан бири Сомонийлар саройи Ўрта Осиё санъатининг бебаҳо эканидан далолат беради [1;365].

И.Ахроров ва Л.Ремпелнинг фикрига кўра: “Афросиёб шаҳри ҳар йили мозийнинг янгидан-янги маданият ва санъат ёдгорликларини кашф этмоқда. Сомонийлар саройи (IX аср) дан ўйиб ишланган ўйма буюмлар жаҳонга машҳур бўлди. “Ўйма буюм” тушунчаси фан ва оғзаки нутқда ўз ўрнини топиб, у ердан мустаҳкам жой олди. Шунга қарамасдан бу номланиш Ўрта Осиё санъатига нисбатан қўлланилиши маҳаллий адабиётда, Ўрта Осиё меъморчилик декорининг илк тадқиқотчиси

Б.П.Денике давридан бошланди. “Ўйма ганч” деб атайдиганимиз кесма буюм ҳам шу даврга дахлдор” [2;29].

Афросиёбдаги шаҳарнинг ғарбий қисмига оид турли йиллардаги қазилмалардан топилган панеллар айнан бир бинолар мажмуасига мансубдир: бу мажмуа Сомонийлар саройидир. Сарой зали 1919 йилда таниқли олим М.Е.Массон томонидан қазиб олинган. 1925 йилда В.Л.Вяткин томонидан ўйма ганчли “ҳалқалар панели” шаклидаги яна бир зал кашф этилди. Бу панеллар фақат суратларда бизгача етиб келган холос [2;32].



2-расм. Сомонийлар саройи залидан ҳалқали ўйма ганч.

“Афросиёбнинг ўйма буюмлари” китобида сомонийлар саройидан “ҳалқали панеллар” фотосурати келтирилган: доира, атрофида эса уч ҳалқа тасвирланган [2;51] (2-расм).

Сомонийлар саройида бошқа бир залдаги лавҳада доирадаги айлана шаклидаги уч барг тасвири аниқ-равшан кўриниб турибди [2;41] (3-расм).



3-расм. Сомонийлар саройида ҳалқа ичидаги уч барг.

Кўҳна Самарқанднинг тарихий-маданий ва бадиий қиёфаси археологик ишлар чоғида янада яққол кўрина бошлайди.

Ўзбекистонлик тарихчилар ва ўлкашунослар кўҳна Самарқандда бугунги кунда жуда ҳам оммавийлашиб кетган Дониёл пайғамбар ёки Хўжа Дониёр зиёратгоҳи қандай ҳолатларда пайдо бўлгани ҳақида шу чокқача бирор-бир яқдил фикрга келганлари йўқ. Бу зиёратгоҳ Библия каби муқаддас китобларда номи келтирилган Дониёл пайғамбарнинг мақбараси сифатида танилган ҳамда яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар орасида тенг баробарига эъзозланади.

Дониёл пайғамбар вафот этганида унга жуда катта ҳурмат ва эҳтиромлар кўрсатиб, ҳозирги Эроннинг Мосул шаҳри яқинидаги Суза шаҳрида дафн этдилар. Қизиғи шундаки, Мосулдан ташқари, Дониёл пайғамбарнинг устихонлари дафн этилган мақбаралар шунингдек, Қуддуси Шарифда ва Истамбулда ҳам бор. Самарқанддаги Дониёл мақбараси эса қадимги шаҳар Афросиёбнинг шимоли-шарқий қиялигида, Сиёб дарёси соҳилида, муқаддас буюқ ёнида жойлашган.

Афсоналарга кўра, 1397-1404 йиллардаги Месопотамия ва Кичик Осиёга юриш пайтида Амир Темур одатдагидек буюқ саркардалигига қарамасдан Сузани ҳужум қилиб, кўлга кирита олмаган. Буюқ саркарда Дониёл пайғамбарнинг қабрини зиёрат қилиб, ғалабага эришади. Шундан сўнг Дониёл пайғамбарнинг қабридан бир ҳовуч тупроқ олиб келиб, зафар билан яқунланган ҳарбий юриш шарафига рамзий мақбара барпо этишга фармон берган, дейилади китобларда.

Ўзбекистондаги бошқа қадамжоларнинг аксарияти билан солиштирилиши ортидан, Ҳазрат Дониёр мақбарасида айнан табиий ходисалар дастлабки эътиқод объектлари бўлган бўлса керак, дея тахмин қилишга имконият беради. Бу зиёратгоҳда яҳудийлик, христианлик ва ислом динларига эътиқод қилувчи ерлик аҳоли ва хорижий сайёҳлар келиб зиёрат қиладилар.




4-расм. Дониёл пайғамбар мақбараси устидаги мато қоплама.

Мазкур Дониёл пайғамбар мақбарасида ҳам уч унсурдан иборат белги уч барг шаклида ўз аксини топган (4-расм).

Уч ҳалқа тасвири – Амир Темурнинг давлат рамзи (6-расм). Бу белги буюқ соҳибқироннинг муҳри (тамғаси)да ҳам тасвирланган бўлиб, “Куч – адолатдадир” деган ёзуви туширилган. Амир Темур тамғасида бу рамзнинг акс этиши Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг “Самарқанддаги Темур саройига саёҳат кундалиги” асарида изоҳ бериб ўтган.

Хусусан, ушбу асарда “...Темурбек герби – уч ҳалқа <...> бўлиб, бу унинг дунёнинг уч қисмига подшоҳ эканини англатур ва бу гербни у ўзининг амрига кўра тайёрладиган <...> барча тангалар ва буюмларда акс эттиришга фармойиш берган. <...> Бу “О” ҳарфи шаклидаги уч ҳалқали рамзни соҳибқирон муҳрларида учратиш мумкин. Шунингдек, Амир Темур давлатига ўлпон тўлайдиган халқларнинг ўз тангаларида ҳам бу белгини қўйишга амр этганини маълум [3].

Амир Темур давридан беш аср сўнгра Самарқанд геральдикасини тасдиқлаётган вақтда Россия империяси Темур муҳрини инобатга олиб, Самарқанд гербига бу рамзни киритишга аҳд қилади.



5-расм. Темур тамғаси.

“Ҳаворанг қалқонда ёнларида тут дарахтининг икки заррин шоҳлари билан биргаликдаги кумуш, тўлқинсимон устун. Қалқоннинг кумуш юргизилган асосида Темур тамғаси (муҳри) рамзи туширилган. Қалқон кўҳна шоҳ тожи билан ниҳояланган ва

шафакранг Александр тасмаси билан бирлашган заррин эман шоҳлари билан хошияланган” [4] (5-расм).

Н.Рерих маданий бойликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги тарихий ҳужжатни тайёрлаш асносида, “Жаҳон Байроғи” тимсоли сифатида уч унсурдан иборат рамзни олади:

“Уч унсурдан иборат рамз бутун дунё бўйлаб тарқалгани маълум бўлди. Жумладан, <...Чинтамани – Ҳиндистоннинг дунё бахтиёрлиги тўғрисидаги қадимий тасаввури – ўзида шу белгини тасвирлайди. Хитойдаги Само Бутхонасида сиз худди шу тасвирни топасиз. Мемлингнинг машҳур картинасида Исо пайғамбар кўксида шу белги аниқ-равшан кўриниб туради. Худди шу белги Страсбург Мадоннаси тасвирида кўзга яққол ташланади.




6-расм. Самарқанд шаҳри герби.

Темур тамғасида ҳам шу тасвир мавжуд. Ушбу белги Авлиё Сергийнинг қадимий тасвирида ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, Авлиё Троица тасвирида ҳам, Самарқанд гербида ҳам шу белги бор. Ҳаттоки бу белгини Будда байроқларида ҳам учратиш мумкин. Неолит тубига синчиклаб кириб борилганда, биз бу белгини кулолчилик безакларида ҳам топамиз. Мана шу боисдан ҳам бутун бирлаштирувчи Байроққа кўп асрлардан ўтган, аниқроғи, минг йилликлардан ўтган белги танланган (6-расм).

Шунинг баробарида ҳар ерда мазкур белги оддийгина орнамент безаги сифатидагина эмас, балки алоҳида аҳамиятли маънода қўлланилган. Мабодо худди шу белгининг бутун нусхаларини йиғиб чиқилса, бу белги энг кўп тарқалган ва инсоният рамзлари орасида энг қадимийси

бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳеч ким бу белги фақат бир эътиқодга мансублигини ёхуд бир маданиятга асосланганини тасдиқлай олмайди [5;202-203].

1996 йилда Тошкентда Темурийлар музейи ташкил этилди (7-расм), унинг фронтида гумбазининг том қисмида юқорида таъкидланаётган уч унсурдан иборат рамзни кўриш мумкин (8-расм).



7-расм. Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи



8-расм. Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи фронти (пештоқи)


“Амударёнинг ўнг соҳилидаги Эллиққалъа туманида бир қалъа мавжуд бўлиб, у Тешиқ қалъа қўрғони (VII-VIII асрлар) деб аталади.

Узокдан қараганда бу ерда қўрғонлар ҳамда қадимий қурилма ва иншоотлар харобалари кўзга ташланади холос. Икки ярим минг йил муқаддам бу маконлар дунёда энг қадимийларидан бири бўлган қудратли Хоразм давлати таркибида эди. Эллиққалъа туманининг номланиши ҳам “эллиқта қалъа” бунёд этилганидандир. Булар каби қадимий қалъалар қаторига “Аёзқалъа”, “Қирқкиз”, “Бурғунқалъа”, “Девқалъа”, “Тешиққалъа”,


“Тупроққалъа” ва бошқа яна кўплаб номлар билан аталадиган қалъаларни келтириш мумкин. Археологлар томонидан олиб борилган Тешикқалъа қазилма ишларида хона деворлари ёқалаб деворларнинг юқори қисмини безаб турган лойтупроқдан тайёрланган фризлар синиқларининг аксарият қисми топилган. Тахминларга кўра, хона нам лойдан айланасига фриз билан безатилгани боис жануби-ғарбий деворда жудаям яхши сақланиб қолган. Нақшинкор йўл – ора-оралаб кетган саккиз нузли тўғаракча ва беш баргли япроқлардан иборат” [6;141].

Нақшдаги уч устки япроғи бўрттирилган ва деярли доира шаклидадир, яъни нақшинкор йўл фотосуратларида уч унсурдан иборат рамзни эслатувчи ўсимлик нақши яққол кўриниб туради (9-расм).

Тупроққалъа (Хоразм) нақшининг хандасавий тадқиқоти (10-расм)да нақш асосида уч унсурдан иборат рамзнинг аниқ тасвири мавжуд бўлиб, хандаса конунларига кўра орнамент тадқиқотларида қўшимча суратлардан илғамасликни иложи йўқ.



9-расм. Тешикқалъа қўрғони (Хоразм) (реконструкция). Яшайдиган қалъанинг нақшинкор йўлидаги уч баргли нақш.



10-расм. Тупроққалъа қўрғони (Хоразм) нақши

Қадим-қадим замонлардан маълумки, Ўрта Осиё мамлакатларининг меъморчилик безакларининг замонавий декорида қўлланилаётган учбурчак ва уч япроқ каби тасвирлар уч унсурдан иборат рамзга мантиқан яқин ҳисобланади.



11-расм. Безак лавҳаси. “Ислимий” нақши

Мусулмонларга хос усуллар беминнат хилма-хиллигига эга икки асосий нақш тури мавжуд: ўсимлик – ислимий (эгилувчан, шоҳлаб

кетган ва барглар ҳамда гулларга бурканган шоҳчалар нақшлари) ва геометрик – гирих (қатъий тўртбурчакли ва майдонли узлуксиз тўрсимон шакллар, тугунлар). Ислимий ва гирих доимо қатъий математик тарафдан ҳисоб олиниб, мўлжал қилинади. Уларнинг усул ва мавзулари сермаъно ва деярли туганмас ва бениҳоядир. “Гирих” сўзи форсчадан таржима қилинганда, “тугун” маъносини англатади (11-расм).

Гирих асосида кўпинча доира ётади – уни бўлақларга тўғри бўлиб, улар ёрдамида тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, кўпбурчак ҳосил қилинади, бошқача айтганда, гирих паргар ва чизғич (циркул) ёрдамида яратилади.

Гирих нақшларида кўпбурчакларни учбурчаклар бир-бирига бир ётқишиш, кўпбурчакларни доирага текислаш орқали ҳосил бўлган неча турли ҳандасавий нақшлар ўзаро битта композицияга бирлаштирилади.



12-расм. Ганч ўймакорлиги бўйича уч баргли нақш.

“Гирихлар наमतларга нақш тушириш, ёғоч ўймакорлиги ва терига ўйиб тасвир тушириш, Скиф давридан буён сақланиб қолган металлдан буюмлар яратишдаги кўҳна, асл кўчманчи халқларга хос фонсизлик таъсири остида дунёга келади, деган тахминлар асоссиз эмас. Гирихларни илк тадқиқотчиларидан яна бири Н.Бакланов ҳандасавий нақшларнинг келиб чиқишини кўриб чиқар экан, у шундай ёзади: “Гиламларни кўриш одати тўқимачилик мавзуларини монументал иншоотларнинг лойли ёки ғиштли деворларига кўчирилгани ҳолатда кўришга ўргатди” [7;49] (16-расм)

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Николай Константинович Рерих каби олимларнинг изланишларида шу нарса аниқ бўлмоқдаки, усталардан баъзилари ички ҳиссиётлари билан, айримлари онгли тарзда

амалий санъатда, меъморчилик ёдгорликларида қўлланиладиган рамзларда, безакларда дин, мистика, табиат ва фалакиётга оид гўзаллик ва уйғунликни ўзида ташувчи рамзлар ва белгилардан фойдаланади. Биз айнан гўзаллик ва уйғунликка эътибор берамиз. Табиат, шак-шубҳасиз, гўзал. Инсон эса – уста. Табиийки, табиатдан ўрганади, меъморлар санъатдаги мукамалликка ҳандасавий уйғунлик воситалари орқали эришганлар.

Уч унсур белгиси муҳофаза қилади, у коинотга оид, гўзаллик ва уйғунлик ҳиссиётини уйғотади. Ўрта Осиёнинг қадимий меъморлари энг сара рамзлар ва уларнинг бирикмасини ахтариш доирасида жаҳонга татиғулик мўъжизаларга қўл урганлар. Меъморчилик ёдгорликлари, декор шакллари эстетикаси, гўзаллик ва уйғунлик ҳамоҳанглиги шиддатли давр оқимидан ўтишига қарамасдан, сақлаб келинмоқда. Олимлар эса, рамзлар мутаносиблиги ва бирлигини таҳлил қиларкан, юксак ҳандасавий нисбатларни юзага чиқаришда давом этмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Монасыпова Н.Р. Знак триединства в культуре народов Средней Азии // Материалы международной конференции. – С. 365.
2. Ахраров И.А., Ремпель Л.И. Резной штук Афрасиаба. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1971. – С. 29.
3. Руи Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура // <http://www.drevlit.ru/texts/k/klaviho3.php>. 03.09.2021
4. Геральдика Самарканда: проект “Виртуальный Самарканд”, раздел “История” // <http://e-samarkand.narod.ru/gerb.htm>. 03.09.2021
5. Рерих Н.К. Листы дневника. В 3 т. Т. 2. – Москва: МЦР, Мастер-Банк, 2000. – С. 202-203.
6. Толстов С.А. Древний Хорезм. – Москва: МГУ, 1948. – С. 141.
7. Ремпель Л.И. Искусство Среднего Востока. – Москва, 1978. – С. 49.